



THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL MECHANISM OF SOCIAL PROTECTION OF THE POPULATION: ISSUES OF THEORY AND PRACTICE

Khusniddin Mukhiddinovich Khutpiddinov

Independent researcher at Tashkent State University of Law

Department of Constitutional Law, Administrative Law, Financial Law, and Customs Law

Email: kutpiddinovxusniddin@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: social protection of the population, organizational and legal mechanism, normative legal documents, social and legal protection, socially vulnerable groups.

Abstract: This article discusses the organizational and legal mechanism of social protection of the population in the Republic of Uzbekistan, focusing on issues of theory and practice.

Received: 07.09.25

Accepted: 08.09.25

Published: 09.09.25

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ

Хусниддин Муҳиддинович Қутпиддинов

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси

Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молиявий ҳуқуқ ва божхона ҳуқуқи кафедраси

kutpiddinovxusniddin@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ташкилий-ҳуқуқий механизм, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя, ижтимоий заиф қатлам.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми: назария ва амалиёт масалалари ёритиб берилди.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВОЙ МЕХАНИЗМ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ: ВОПРОСЫ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ

Хусниддин Мухиддинович Кутпиддинов

Независимый исследователь

Ташкентского государственного юридического университета

Кафедра конституционного, административного, финансового и таможенного права

Электронная почта: kutpiddinovxusniddin@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: социальная защита населения, организационно-правовой механизм, нормативно-правовые акты, социально-правовая защита, социально уязвимые слои населения.

Аннотация: В данной статье освещаются вопросы теории и практики организационно-правового механизма социальной защиты населения в Республике Узбекистан.

Кириш

Ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми жамиятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг барча зарур хизмат ва ёрдамлардан фойдалана олишига қўмаклашувчи норматив-ҳуқуқий меъёр, мезонлар ҳамда амалий имкониятларни жам этади.

Бугунги кунда шаклланган ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жабҳалари билан узвий алоқадорликда қарор топди ва шу тарзда такомиллашиб бормоқда.

Шунингдек, мавзуни кенг ўрганиш мақсадида хориж манбалари ҳам ўрганилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда университетлари, жумладан, Deutsche Gesellschaft fur Internationale Zusammenarbeit (Германия), Harvard University (АҚШ), The International Bank for Reconstruction and Development (ИБРД), World Bank Group (АҚШ), Social Protection Inter-аgency Cooperation Board (АҚШ), Western University (Канада), EU Social Protection Systems Programme (Финляндия), Australian National University (Австралия), National University of Singapore (Сингапур), The Asian Development Bank (Таиланд), United Nations Economic and Social Commission for Asia and the Pacific (Таиланд), NIU «Высшая школа экономики» (Россия)да доимий олиб борилмоқда.

Дунёда олиб борилган тадқиқотлардан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш соҳасида ижтимоий ҳимоя самарадорлигини ошириш масалаларини илмий ўрганиш (International Labour Office, Швейцария), ижтимоий ҳимоя тизимининг стратегик асослари (EU Social Protection Systems Programme, Финляндия), Осиё ва Тинч океани ҳавзаси давлатларида ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш (United Nations Economic and Social Commission for Asia and the Pacific, Таиланд), эҳтиёжманд қатламларни ижтимоий ҳимоялашнинг тузилмали-

функционал хусусиятлари (The Asian Development Bank, Таиланд), камбағаллик, ишсизлик, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, табиий офат оқибатлари ва бошқа кризисларда қўллаб-қувватлашни тармоқли ривожлантириш (The International Bank for Reconstruction and Development (IBRD), World Bank Group, АҚШ), аҳолининг базавий ижтимоий эҳтиёжлар таъминотини молиялаш ва ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш (The International Development Association, АҚШ), ижтимоий ҳимояда халқаро ижтимоий ҳамкорлик ва глобал координация (Social Protection Inter-agency Cooperation Board, АҚШ) масалаларини қамраб олади.

Дунёда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қатор, жумладан, устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда: ижтимоий ҳимоянинг иерархик функционалиги, вертикал ва горизонтал стратегиялари, умумбашарий ва миллий парадигмалари, соҳани илмий тадқиқ этишда мултидисциплинар позиция, ижтимоий ҳимояда универсалликдан чекиниш ва индивидуал-интеллектуал мезонларнинг афзаллиги, муҳтожликдан чиқаришда ички субъектив захираларни фаоллаштириш, стимуллаш тартибига ўтиш, муҳтожлик омилларини физиологик, ижтимоий, руҳий компонентлардан иборат яхлитликда баҳолаш методикаларини ишлаб чиқиш, соҳада ижтимоий тадбиркорлик ижтимоий ҳимоянинг ижтимоий-технологик, инерцион-интеграцион ривожланиш траекториялари илмий-тадқиқот ишларнинг долзарб йўналишлари қаторидан жой олмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг янгича ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилди.

Хусусан, соҳани ривожлантиришда замонавий методларни қўллаш, тизимни натижадорлигига хизмат қилувчи ва янгича ёндашувларни амалиётга татбиқ этишга хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилди.

Бу борада яхлит тизим яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Бу эса, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи инсонларнинг турмуши сифатини оширишга, унга жамият ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг бўлган имкониятларини яратишга ва (ёки) ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган хизматларга муҳтож шахсга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимга оид, тиббий, реабилитация чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширишга хизмат қилувчи яхлит янги тизим яратилишига сабаб бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистонда Ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий фаолият йўналишлари ишлаб чиқилди.

Шунга кўра, қуйидаги тизим учун зарур бўлган устувор асосий йўналишлар белгиланди, хусусан:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш
- вояга етмаган болаларни ҳимоя қилиш;
- аёлларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш;
- оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилалар билан ишлаш;
- ёшлар билан ишлаш;
- яқка ёлғиз ва кексалар билан ишлаш;
- ижтимоий таъминот дастурлари;
- камбағал оилаларни аниқлаш, оилаларни камбағал деб эътироф этиш ҳамда камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Шу билан бирга, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари яъни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий хизматларга муҳтож деб топилган шахслар, шу жумладан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахсларга хизмат кўрсатувчи ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходим штатлари жорий қилинди.

Таҳлилларга кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан 2025 йилнинг I чорагида туман (шаҳар) жами 1 238 мингта ариза қабул қилинган бўлиб, шундан, 751,6 мингта (61%) аризага хизмат кўрсатилган, 220,4 мингта (18%) ариза жараёнда ҳамда 265,9 мингта (21%) ариза рад этилган.

2024 йилнинг I чорагида давомида фуқаролардан 58,2 минг ариза қабул қилинган бўлиб, мазкур кўрсаткич жорий йилнинг биринчи чорагида 21,3 бараварга ошган.

Шунингдек, хизматлар сони ҳам ўтган йилнинг март ойида 27 тани ташкил этган бўлса, 2025 йилнинг март ойида 103 турдаги хизмат ва ёрдамлар учун ариза олинмоқда. 7 та ҳудуд – Самарқанд (144,6 мингта), Наманган (138,7 мингта), Фарғона (125,2 мингта), Сурхондарё (116,4 мингта), Қашқадарё (112,9 мингта) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (107,2 мингта) “Инсон” марказлари томонидан чорак давомида 100 мингдан ортиқ аризалар қабул қилинган бўлиб, бу умумий аризаларнинг 60 фоиздан кўпроғини ташкил этмоқда.

Жумладан, 23 та туман (шаҳар) “Инсон” марказлари томонидан таҳлил даврида 10 мингдан ортиқ аризалар қабул қилинган бўлиб, улар қуйидаги ҳудудлар ҳиссасига тўғри келмоқда: Наманган – 7 та, Самарқанд – 5 та, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Сурхондарё вилояти – 3 тадан, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари – 2 тадан, Бухоро – 1 та.

Бу борада энг юқори кўрсаткичлар қуйидаги туман (шаҳар) “Инсон” марказлари томонидан кўрсатилган – Пайариқ (22,2 минг), Нукус шаҳри (16 минг), Норин (14,5 минг), Тўрақўрғон (14,4 минг), Самарқанд шаҳри (14,4 минг), Шеробод (12,7 минг), Чуст (12,6 минг), Қамаш (12,4 минг), Пастдарғом (12,4 минг) ҳамда Сариосиё (12,1 минг) туманлари.

Жами қабул қилинган аризаларнинг 61 фоизига ижобий хизмат кўрсатилган бўлиб, бу борада энг юқори кўрсаткичлар Хоразм (Тупраққалъа ва Янгибозор туманлари - 86%, Урганч тумани - 84%, Боғот ва Хазорасп туманлари - 81%, Урганч шаҳри - 80%) ҳамда Жиззах (Арнасой – 81%) вилоятлари томонидан қайд этилган.

Ҳудудлар кесимида энг юқори кўрсаткич Хоразм вилояти томонидан қайд этилган (жами аризаларнинг 77 фоизига ижобий хизмат кўрсатилган).

Келиб тушган аризаларнинг ойлар кесимидаги таҳлили (1 жадвал) шуни кўрсатмоқдаки, чорак давомида ҳар ойда ўртача 400 мингта ариза қабул қилинган - январь (393,7 мингта), февраль (431,2 мингта) ва декабрь (413 мингта). 2025 йилнинг I чораги давомида қабул қилинган аризалар 2024 йил давомида жами қабул қилинган аризаларнинг 63 фоизини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий ҳимоя тизими фаолиятини тартибга солиши учун ҳукукий механизм яратилди.

Даставвал, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилдаги 25 июлда ПФ-175-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Мазкур фармонда “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси” тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш бўйича 2030 йилгача бўлган даврда устувор йўналишларни ва комплекс чора-тадбирларни белгилаб беради ҳамда унинг «Йўл харита»си амалга оширилиши натижасида кўзда тутилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш таъминланиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси томонидан 2020 йилда тайёрланган “Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини баҳолаш” натижалари ва тавсиялари инобатга олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилдаги 1 июнда соҳани ривожланишида янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилган ҳамда йўналишни тартибга солишдаги энг муҳим ҳужжат “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-82-сонли Фармони қабул қилинди.

Бунда, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ЯИМга нисбатан 2 бараварга ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробарга кўпайди ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болаларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилганлиги қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга, янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишининг белгиланганлиги мазкур соҳани ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, давлатнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишга жойлашиши ва таълим олишига қўмаклашиши бўйича конституциявий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштириш тизими жорий этилиши талаб этилиши ҳақида келтирилган.

Бундан ташқари, бир қанча Ўзбекистон Республикаси Қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ҳамда 20 га яқин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ишлаб чиқилиб, тизим учун ҳуқуқий асослар яратилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмидаги назария ва амалиёт масалаларини тадқиқ этиб, қуйидаги умумий хулосаларга келишимиз мумкин:

ижтимоий ҳимоя тизимини тартибга солишчи барча қонуности норматив ҳуқуқий-ҳужжатларни асосан Ўзбекистон Республикаси Қонунларида акс этишини таъминлаш;

давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳада жорий қилинган хизмат ва ёрдамларини оптимизация қилиш орқали ихчам ҳамда натижадор хизмат кўрсатувчи тизимга айлантириш;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мавзусида сифатли илмий иш ёзган олимлар учун грантлар ажратиш ва рағбатлантириш тизимини ислоҳ қилиш;

аҳолини ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда суд-ҳуқуқ тизимини, шу билан бирга, барча ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни тўлиқ рақамлаштириш орқали қулай, шаффоф ва тез тарзда амалга оширилишини таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1989 йил);

2. БМТнинг "Мигрант ишчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" тўғрисидаги Конвенцияси (1990 йил);
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
5. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси;
6. Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонуни;
7. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" 2023 йил 1 июндаги ПФ-82-сон Фармони.

Интернет ресурслари

1. <http://zakony.com.ua/lawbase.html?catid=8554>
2. https://cdn.penalreform.org/wp-content/uploads/2019/07/Nelson-Mandela-Rules_Uzbek-Language.pdf
3. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6548-demografiya>
4. <https://www.unicef.org/uzbekistan/uz/biz-nima-qilamiz>
5. <https://ihma.uz>
6. <https://lex.uz>
7. <https://www.giz.de/en/workingwithgiz/112482.html>
8. <https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/who-we-are/international-labour-office/lang--en/index.htm>
9. <https://www.oecd.org/dev/inclusive-societies-development/social-protection.htm>
10. <https://www.un.org/ldcportal/content/un-economic-and-social-commission-asia-and-pacific-escap-0>
11. <https://www.adb.org/ru>
12. <https://www.worldbank.org/en/who-we-are/ibrd>
13. <https://netimpact.org/careers/international-development/>
14. <https://socialprotection.org/connect/stakeholders/social-protection-inter-agency-cooperation-board-spiac-b>